

Оиша онамизнинг етимпарварликлари



21:05 / 11.12.2018 4978

Оиша онамиз розияллоху анҳо жамоатчилик ишларида ҳам, хусусан, аёлларга оид ишларга бош-қош бўлар эдилар. Бу нарсани ўша пайтдаги баъзи бир маросимлар ҳақида қилинган ривоятлардан билиб оламиз.

Имом Бухорий ва Аҳмадлар Оиша розияллоху анҳодан ривоят қиладилар:

«У киши бир аёлни бир ансорий куёвникига узатиб борган эканлар. Шунда Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй Оиша, сизларда дилхушлик бўлдимми? Чунки ансорийларга дилхушлик қилиш ёқади», дедилар».

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам маълум қавмларнинг, ҳатто ўйин-кулги, дилхушлик қилишни яхши кўришларигача инобатга олиб, муомала қилганлари эътиборга сазовордир. У зотнинг ансорийлар –

Мадина аҳли мусулмонларининг табиатида ўйин-кулгига мойиллик борлигини, тўйларида дилхушлик бўлиши жоизлигини Оиша онамизга эслатишлари шуни кўрсатади.

Бошқа ривоятлардан маълум бўлишича, бу ривоятдаги келин Фурайъа бинти Асъад исми етим қиз эди. Оиша онамиз уни тарбия қилиб, ўстирганлар. У қиз балоғатга етганида Нубайт ибн Жобир ал-Ансорий исми йигитга куёвга берилган.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Фурайъа розияллоҳу анҳони куёвниқига келин туширди қилиб, узатиб борганлар. У киши қайтиб келганларидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги саволни бериб, дилхушлик бўлган-бўлмаганини сўраганлар.

Бошқа ривоятда:

«Чилдирма чалиб, қўшиқ айтадиган қиз ҳам юбордингларми?» деганлар.

Оиша онамиз:

«У қиз нима деб айтади, эй Аллоҳнинг Расули?» деган.

Шунда у зот биздаги ёр-ёрга ўхшаш байтларни айтганлар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг жуда ҳам етимпарвар зот бўлганликлари маълум. У киши бу серташвиш ишни фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилар эдилар.

Имом Шофеъий Қосим розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Оиша менга ва икки етим укамга валийлик қилар эди. У киши бизнинг молларимиздан закот чиқарар эди».

Оиша онамиздек улуғ зот етимларнинг молидан закот чиқарган бўлсалар, демак бу ишни билиб қилган бўладилар. У кишига ўхшаш кишилар бундай ишларда ўзларича тасарруф қилмайдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ёки кўрган бўладилар.

Бу ишларнинг ҳаммаси Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг доимо савоб ва шариатга мувофиқ иш қилиш пайида бўлганликларини кўрсатади.